

# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№7 (3) 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 7 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

## **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

## **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**  
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Usmonov Axrorjon Rustamjon o'g'li*  
AMALIY SAN'AT BILAN BOG'LIQ NOMODDIY MADANIY MEROSLAR ..... 9-15
- Зоҳидов Қобилжон Тоиржонович*  
ИЛК АРАБ-МУСУЛМОН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА МАДИНА ШАҲРИНИНГ ЎРНИ ..... 16-20
- Siddiqov Mirshod Baxtiyorovich*  
SOVET HOKIMIYATINING QORAQALPOG'ISTON ASSRDA IJTIMOIIY TA'MINOT  
SIYOSATI ..... 21-26
- Хайназаров Баҳромжон Бахтиёрович*  
КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИДА ТУБ БЎЛМАГАН АҲОЛИ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ТАЪЛИМ  
ТИЗИМИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН  
(XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ) ..... 27-32
- Мансуров Музаффаржон Шарифжон ўғли*  
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ТУРИЗМ ТАРҒИБОТИДА  
ТУТГАН ЎРНИ ..... 33-41
- Bobodustov Bobur Mirzaboyevich*  
ZARAFSHON DARYOSIDAGI SUV AYIRG'ICH TIZIMLARINI TA'MIRLASHGA ROSSIYA  
IMPERIYASI MA'MURIYATINING MUNOSABATI ..... 42-47
- Саидбобоева Гулзора Нематжонова*  
XX АСРНИНГ 30–50-ЙИЛЛАР ДАВРИЙ МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИ – РЕСПУБЛИКАНИ  
ЭЛЕКТРЛАШТИРИШГА ОИД МАНБА ..... 48-55

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Казаков Олим Сабирович*  
ЕТАКЧИЛИК ТАЪСИРИДА БОШҚАРУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ..... 56-60
- Utkirov Abbos Meyliyevich*  
CHALLENGES IN IMPLEMENTING TQM IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS ..... 61-67
- Umronov Eldorbek Sodirovich*  
TURISTIK KORXONALAR DOIRASIDA TADBIRKORLIK FAOLIYATINI TASHKIL ETISH VA  
RIVOJLANTIRISHNING IQTISODIY ASOSLARI ..... 68-76
- Норбоев Аллаёр Исмоилович, Тулкинов Гайрат Кадилович*  
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И НАПРАВЛЕНИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В РАЗВИТИИ МОЛОДЁЖНОГО  
ТУРИЗМА ..... 77-82
- Xolmurotov Fozil Saribayevich*  
MINTAQADA AHOLI TURMUSH FARAVONLIGINI OSHIRISHDA QISHLOQ XO'JALIK  
MAHSULOTLARINI YETISHTIRUVCHI SUBYEKTLAR RO'LINI BAHOLASH ..... 83-91
- Худайназарова Дилором Хайруллаевна*  
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ  
РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 92-100

*Гойипназаров Санжар Баходирович*  
СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ЖОРИЙ ЭТИШ НАТИЖАСИДА МЕХНАТ БОЗОРИДАГИ  
ЎЗГАРИШЛАР .....101-110

*Baxtiyorov Asrorbek Azizjon o'g'li*  
BANK MENEJMENTI ASOSLARI, UNING IQTISODIY MOHIYATI .....111-119

### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Юлдашев Фаррух Абдурахманович*  
АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЭХТИЁЖ ВА МАНФААТЛАРНИНГ ЎЗАРО УЙҒУНЛИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ .....120-126

*Тожибоев Сарвар Пулатжон ўғли*  
ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИ .....127-132

*Ismatov Shohruhbek Murod o'g'li*  
YANGI O'ZBEKISTONDA IJTIMOY DAVLAT BARPO ETISH VA UNING G'OYAVIY MAFKURAGA  
ASOSLARI .....133-137

*Abdullayev Temur Bobir o'g'li*  
TIL VA TAFAKKUR DIALEKTIKASINING BILISH JARAYONIDAGI ROLI .....138-143

*Islamov Kamol Tashkulovich*  
UYG'ONISH DAVRI DUNYOQARASHIDA DINIY VA DUNYOVIY YONDASHUVLAR  
NISBATI ..... 144-150

### **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Isanova Feruza Tulqinovna*  
O'ZBEK TILI XALQARO HUQUQ SOHASIGA OID LEKSIK BIRLIKLARINING FUNKSIONAL  
XUSUSIYATLARI .....151-160

*Ro'ziyev Elbek O'rol o'g'li*  
AMIR TEMUR VA TEMURIY HUKMDORLAR YORLIQLARIDA SIYOSIY NUTQ SHAKLLARINING  
QO'LLANILISHI .....161-167

*Мухамедова Феруза Баходир кизи*  
ФОРМИРОВАНИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ СИСТЕМЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ  
А. КИМА.....168-174

*Abdullayev Ikramjon Xashimdjanoich*  
TILSHUNOSLIKDA SO'Z VA SO'Z TURKUMLARI: TADQIQI VA TAVSIFI .....175-180

*Tagayeva Sayyora Ulashovna, Inoyatillo Ozoda*  
FIZIKA FAKULTETI TALABALARIGA NEMIS TILINI O'QITISHDA INNOVATSION  
METODLARINING QO'LLANILISHI .....181-185

*Egamberdiyeva Mohidil Gulomjon qizi*  
MADANIYATLARARO MULOQOTDA NUTQIY ETIKETNING ANTROPOSENTRIK  
TADQIQI .....186-190

## **12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР**

- Жавлиев Нурали Баходирович*  
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ НИЗОЛАР ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУН-МОҲИЯТИ .....191-195
- Узакова Гўзал Шариповна*  
БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН  
ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ (ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ).....196-204
- Usmanov Alisher Tolmasovich*  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA MA'MURIY HUQUQBUZARLIK TO'G'RISIDAGI ISHLARNI  
YURITISHNING SODDALASHTIRILGAN TARTIBI: MUAMMOLAR VA TAKLIFLAR .....205-213
- Авезова Элеонора Парахатовна*  
РАВНОЕ ПРАВО ГРАЖДАН НА ПОСТУПЛЕНИЕ В ГОСУДАРСТВЕННУЮ ГРАЖДАНСКУЮ  
СЛУЖБУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН .....214-218
- Мукумов Бобур Мелибой угли*  
ОЦЕНКА РЕГУЛИРУЮЩЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ  
АКТОВ ПО ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ТЕХНОЛОГИЙ БЛОКЧЕЙН. СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ  
.....219-224
- Туракулова Назира Абдишукуровна*  
СТАРТАП ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТУЗИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ:  
ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ НУҚТАИ НАЗАРИДАН .....225-232

## **13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

- Хўжамкелдиев Гафур Султон ўгли*  
СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИДА ТИКЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ .....233-237
- Aziz Hasanovich Rajabiy*  
BO'LAJAK VOKAL O'QITUVCHILARINING INTELLEKTUAL-IJODIY FIKRLASH QOBILIYATINI  
RIVOJLANTIRISH .....238-242
- Malikova Sevar Samatovna*  
BO'LAJAK XOR RAHVARLARINING IJODIY QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH .....243-246
- Васильченко Ольга Анатольевна*  
ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ ВОКАЛЬНО-ХОРОВЫХ НАВЫКОВ .....247-251
- Хојитуроdова Маhлиyoхон Kenjavoy qizi, Inomov Faxriddin O'rmonjonovich*  
AN INNOVATIVE APPROACH TO THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' MOVEMENT SKILLS  
AND COMPETENCIES IN PHYSICAL EDUCATION CLASSES .....252-257
- Асадуллаева Наргиза*  
БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ  
МУСТАҲҚАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁННИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ .....258-265
- Mamadova Feruzaxon Mirzaaxmad qizi*  
BO'LAJAK JISMONIY MADANIYAT MUTAXASSISLARINING PEDAGOGIK MADANIYATI VA  
KOMPETENSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHNING PEDAGOGIK MODELI .....266-272

<i>O'ktamova Navruza Botir qizi</i> BO'LAJAK JURNALISTLARGA INGLIZ TILINI O'QITISHDA SOTSIOLINGVISTIK KOMPETENSIYANI TAKOMILLASHTIRISH (SIYOSIY-IJTIMOIIY MATNLAR MISOLIDA) .....	273-277
<i>Humonjonov Shoxzodbek Dilshodjon ўғли</i> ОЛИЙ ТЕХНИКА ТАЪЛИМИДА МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН МЕТОДИК АСОСЛАРИНИНГ ИЛМИЙ АҲАМИЯТИ .....	278-287
<i>Xuramov Ilxom Panjiyevich</i> PROFESSIONAL TA'LIM TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH YUZASIDAN ISLOHOTLARNI JADALLASHTIRISH VA KASBIY KO'NIKMALARNI RIVOJLANTIRISH .....	288-292
<i>Azizbek Umarov</i> MEDIATA'LIM – TALABALARNING MEDIA MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN FAN TARMOG'I SIFATIDA .....	293-299
<i>Saidova Zilola Gadoymurodovna</i> TA'LIM INTEGRATSIYASINING AYRIM MASALALARI .....	300-307
<i>Raxmonova Gulrux Ulashevna</i> O'ZBEK XALQINING MILLIY HARAKATLI O'YINLARIDAN JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA SAMARALI FOYDALANISH YO'LLARI .....	308-312
<i>Boynazarova Sayyora Ruzikulovna</i> BIOLOGIYA O'QITUVCHISI KASBIY KOMPETENSIYALARI VA KOMPETENTLIGINI MONITORING QILISHNING MAVJUD METODIKASI VA UNI TAKOMILLASHTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI .....	313-317
<i>Shermuhammadov Bahodirjon, Xasanova Ozodaxon Qurvonali qizi</i> MDH OLIMLARI TOMONIDAN CHET TILLARNI O'RGANISHDA UCHRAYDIGAN XATOLAR MAVZUSIDA OLIB BORGAN TADQIQOTLAR TAHLILI .....	318-323
<i>Abdusalimova Nargizaxon Olimjon qizi</i> MAKTAB TA'LIM TIZIMIDA STEAM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANIB FIZIKA DARSLARINI TASHKIL ETISHNING AFZALLIKLARI .....	324-329
<i>Shafiyeva Elnara, Murotmusaev Komiljon Buribaevich</i> THE CHARACTERISTICS OF MENTAL HEALTH IN ELDERLY PEOPLE .....	330-349

*12.00.00-Юридик фанлар*

**Туракулова Назира Абдишукуровна**  
Тошкент давлат юридик университети  
Интеллектуал мулк ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси  
[lepetitmasterpiece@gmail.com](mailto:lepetitmasterpiece@gmail.com)

**СТАРТАП ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТУЗИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ:  
ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ НУҚТАИ НАЗАРИДАН**

**Аннотация.** Мақолада стартап лойиҳаларини тузиш ва молиялаштириш масалалари, унинг афзалликлари ҳақида сўз боради. Хусусан, мазкур йўналишдаги истиқболли масалалар, уларни жамият ҳаётига татбиқ этиш масалалари, тартибга солишнинг техник талаблари ҳамда бу ҳимоялаш хусусида байон этилган. Шунингдек, мақолада бу йўналишдаги жаҳон тажрибаси, амалга оширилган ишларнинг натижаси ҳамда Ўзбекистон Қонунчилиги ва амалиёти баён этилган.

**Калит сўзлар:** стартап, буюртмачи, молиялаштириш, талабгор, инвестициявий жозибadorлик, экспертиза, лойиҳа, интеллектуал мулк

---

**Turakulova Nazira Abdishukurovna**  
Lecturer of the department of Intellectual property law  
Tashkent state university of law

**THE PROCEDURE FOR CREATING AND FINANCING START-UP PROJECTS:  
FROM THE STATE AND NON-STATE POINT OF VIEW**

**Abstract.** The article tells about the creation and financing of start-up projects, its advantages. In particular, promising issues in this area, issues of their implementation in the life of society, technical requirements for regulation and this protection are described. The article also describes the world experience in this area, the results of the work carried out, as well as the legislation and practice of Uzbekistan.

**Keywords:** startup, customer, financing, applicant, investment attractiveness, expertise, project, intellectual property

---

**Туракулова Назира Абдишукуровна**  
Преподаватель кафедры право интеллектуальной собственности  
Ташкентского государственного юридического университета

**ПОРЯДОК СОЗДАНИЯ И ФИНАНСИРОВАНИЯ СТАРТАП-ПРОЕКТОВ:  
С ГОСУДАРСТВЕННОЙ И НЕГОСУДАРСТВЕННОЙ ТОЧКИ ЗРЕНИЯ**

**Аннотация.** В статье рассматривается о создании и финансировании стартап-проектов, его преимуществах. В частности, описаны перспективные вопросы в этой области, вопросы их внедрения в жизнь общества, технические требования регулирования и этой защиты. Также в статье описывается мировой опыт в данном направлении, результаты проведенной работы, а также законодательство и практика Узбекистана.

**Ключевые слова:** стартап, заказчик, финансирование, заявитель, инвестиционная привлекательность, экспертиза, проект, интеллектуальная собственность

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I7Y2023N31>

Бугунги глобаллашув жараёнида мамлакатнинг, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, даромадини ошириш, давлатнинг иқтисодиётига ҳам ижобий таъсир қилади. Бевосита, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 133-сонли қарорига илова тариқасида тасдиқланган **“Стартап лойиҳаларни тасдиқлаш, молиялаштириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ**, «стартап» лойиҳалар — амалга ошиш хавфи юқори бўлган шароитда янги маҳсулот ёки хизмат турини яратувчи инновацион ишланмаларнинг қўлланилиши, кўлами ва тез ўсиш суръати билан фарқланадиган янги бизнес лойиҳадир. Стартап лойиҳаларини ташкиллаштириш учун, бир қатор субъектлар жараёнда қатнашиши талаб этилади. Хусусан, юқорида номи қайд этилган ҳужжатга асосан, илмий кенгаш, стартап компания ва талабнома берувчи тушунчалари ҳам қўлланилади[1]. Бевосита, илмий-техник кенгаш — илмий изланишларнинг асосий йўналишлари бўйича Буюртмачининг илмий сиёсатини амалга оширишга ва ишлаб чиқишга, «стартап» лойиҳаларни баҳолашга, экспертиза қилишга ва натижаларини амалга ошириш ишларини мониторинг қилишга кўмаклашувчи, ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи, етакчи олимлар, экспертлар, мутахассислар ҳамда давлат органларининг юқори малакали мутахассисларидан иборат таркибдаги илмий-техник жамоа ҳисобланса, “стартап” компания — илмий, илмий-техник ва инновацион фаолият натижаларини илгари суриш ҳамда тижоратлаштириш учун ташкил этиладиган юридик шахсдир[2]. Шу билан бир қаторда, стартап лойиҳалар эгаси талабнома берувчи ёки талабгор деб аталади.

Стартап лойиҳаларни қўллаб қувватла, уларнинг самарасини ошириш юзасидан бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бевосита стартап лойиҳаларини молиялаштиришга ўз эътиборимизни қаратадиган бўлсак, **стартап лойиҳаларни тасдиқлаш, молиялаштириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан** Низомга мувофиқ тасдиқланган «стартап» лойиҳалар Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали молиялаштирилади[3]. Қолаверса, стартап лойиҳаларини айнан қайси манбалар ҳисобидан молиялаштирилиш ҳам белгиланган бўлиб, улар доирасига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Жамғармага ажратилган маблағлар;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига ажратилган маблағлар;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар[4].

Хусусан, статистик маълумотларга ўз эътиборимизни қаратадиган бўлсак, мамлакатимиз ҳудудида 2021 йил охирига қадар жами 73,8 млрд сўмлик 94 та стартап лойиҳани молиялаштириш учун шартнома тузилган. Молиялаштирилган стартап лойиҳаларнинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари кесимидаги улуши соғлиқни

сақлаш соҳаси бўйича 18,7 млрд сўмлик 20 та, ахборот технологиялари соҳаси бўйича 15,7 млрд сўмлик 19 та, қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича 15,2 млрд сўмлик 23 та, транспорт ва энергетика соҳаси бўйича 10,2 млрд сўмлик 12 та, қурилиш соҳаси бўйича 4,9 млрд сўмлик 7 та, озиқ-овқат соҳаси бўйича 3,3 млрд сўмлик 5 та бошқа соҳа-тармоқлар бўйича 5,8 млрд сўмлик 8 та лойиҳани ташкил қилмоқда[1]. Стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида биргина 2021 йил давомида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан жами 5 та танлов эълон қилинди. Уларнинг 2 таси Россия Федерацияси Инновацияларни рағбатлантириш жамғармаси ҳамда Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган қўшма танловлардир. 2021 йил охири 2022 йил бошларида инновацион ҳудудлардаги муаммоларни ечимига қаратилган 17 млрд сўмга тенг 25 та стартап лойиҳа давлат грантлари ҳисобидан молиялаштирилган. Натижада экспортбоб ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, 286 та янги ишчи ўрни яратилиши режалаштирилган эди[5].

Бевосита, юқоридаги таҳлил этилаётган низомда стартап лойиҳаларини молиялаштириш тартиби ҳам мустақамланган бўлиб, унга кўра, «стартап» лойиҳаларни молиялаштириш коллегиал орган қарори ва Буюртмачининг буйруғига мувофиқ амалга оширилади. «Стартап» лойиҳаларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, талабнома берувчи (талабгор) ва Жамғарма ўртасида тузиладиган шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади[6]. Агар давлат муассасаси ёки жисмоний шахс томонидан берилган «стартап» лойиҳа коллегиал орган томонидан маъқулланса, у ҳолда молиялаштириш тўғрисидаги шартнома ушбу «стартап» лойиҳани амалга ошириш учун очилган юридик шахс (компания) билан тузилади. Молиялаштирилаётган «стартап» лойиҳалар ижрочи ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази, Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази ёки «Яшнобод» инновация технопарки резиденти мақомини олиш ҳуқуқига эга[7].

Стартап лойиҳалар танловини эълон қилиш бевосита Инновация вазирлиги томонидан ташкил этилади. Стартап лойиҳалар ўз ўрнида амалдаги қонунчилигимизга асосан тасдиқланади ва ушбу жараён бир қатор босқичлардан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги «стартап» лойиҳаларга бир йилда камида икки марта эълон беради. Эълон шартлари, йўналишлари ҳамда лойиҳаларни топшириш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг расмий сайтида ва зарур ҳолларда бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Лойиҳа ҳужжатларини қабул қилиш ишчи орган томонидан амалга оширилади. Лойиҳалар бўйича ҳужжатлар талабнома берувчи томонидан эълон талабларига кўра тайёрланади ва топширилади[8]. «Стартап» лойиҳалар танловида ташкилий-ҳуқуқий шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар барча турдаги шахслар (жисмоний ва юридик шахслар, муассасалар ва ҳ.к)лар иштирок этишлари мумкин[9].

Қолаверса, «Стартап» лойиҳалар тегишли тартибда тасдиқланишидан аввал уч босқичли экспертизадан ўтади. Ушбу босқичлар қуйидаги жараёнларни ўз ичига қамраб олади:

**биринчи босқич** — тақдим этилган талабномаларнинг танлов шартларига мослиги юзасидан ўтказиладиган техник экспертиза;

**иккинчи босқич** — техник экспертизадан ўтган «стартап» лойиҳаларнинг молиявий-иқтисодий экспертизаси;

**учинчи босқич** — биринчи ва иккинчи босқичлардан муваффақиятли ўтган «стартап» лойиҳаларни илмий-техник кенгаш томонидан экспертизадан ўтказиш, илмий-техник кенгаш мажлисида кўриб чиқиш ва баҳолаш[10].

Техник экспертиза эса, ишчи орган томонидан ўн иш куни ичида ўтказилади. Техник экспертизадан ўтган “стартап” лойиҳалар беш иш куни ичида молиявий-иқтисодий экспертизадан ўтказиш учун Буюртмачининг Молиявий-иқтисодий ва техник экспертиза бўлимига берилади. “Стартап” лойиҳалар бўйича молиявий-иқтисодий экспертиза беш иш куни ичида ўтказилади. “Стартап” лойиҳалар бўйича экспертиза ўтказиш учун махсус илмий-техник кенгаш шакллантирилади. Ҳар бир “стартап” лойиҳа илмий даражага ёки тадбиркорлик тажрибасига эга бўлган иккита мустақил экспертлар томонидан ўн иш куни ичида кўриб чиқилади. Экспертлар таркиби илмий-техник кенгаш томонидан белгиланади. “Стартап” лойиҳа ижрочисининг ўзи иштирок этган лойиҳада эксперт бўлиб иштирок этишига йўл қўйилмайди. Экспертлар томонидан берилган хулоса ўн иш куни ичида илмий-техник кенгашда ўзаро очиқ муҳокама шаклида кўриб чиқилади[11].

Ўн иш кунида илмий-техник кенгаш томонидан стартап лойиҳаларини кўриб чиқишда бир қатор мезонларга асосан лойиҳалар баҳоланади:

- лойиҳанинг инновационлиги — аввал қўлланилмаган технологиялар ва (ёки) жараёни ташкил этиш принциплари ёки аввал ишлаб чиқарилмаган маҳсулотнинг янги қўлланилиш даражаси;

- лойиҳанинг инвестициявий жозибadorлиги — қўшимча даромад келтирадиган ҳамда уни амалга оширишда инвестициялар хавфини камайтирадиган қулай инвестицион ва инновацион шароитлар ва афзалликлар йиғиндиси;

- интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқнинг муҳофазаланганлиги — муҳофаза ҳужжатлари, ва/ёки илмий-техник ҳужжатларнинг тўлиқ комплекти ва/ёки маҳсулотнинг (технологиянинг) техник регламенти, синов ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатномалар ёки маҳсулотнинг тажриба нусхаси мавжудлиги;

- лойиҳанинг ресурс билан таъминланганлиги — лойиҳани техник амалга ошириш имкониятлари (моддий-техник база, ходимлар, муҳофаза ҳужжатлари мавжудлиги ва бошқалар);

- лойиҳани амалга ошириш самарадорлиги;

- лойиҳа учун ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, экспортга йўналтирилган ёки импорт ўрнини босадиган илмий ҳажмдор маҳсулотларни олишни ташкил қилиш истиқболлари[12].

Муҳокама сўнгида, илмий-техник кенгаш эксперт хулосалари ва очиқ муҳокама натижалари асосида “стартап” лойиҳаларни молиялаштириш ёки молиялаштирмаслик юзасидан қарор қабул қилади ҳамда баённома кўринишида шакллантирилиб, котиб томонидан имзоланади ва раис томонидан тегишинча тасдиқланади. Илмий-техник кенгаш аъзоси баҳолаш жараёнида кўпчиликнинг фикрига қўшилмаса, ўзининг алоҳида фикрини билдиришга ҳақли[13]. Илмий-техник кенгаш аъзосининг алоҳида фикри

йиғилиш баённомасига киритилади. Илмий-техник кенгаш экспертизасининг натижалари ишчи орган томонидан беш иш куни давомида коллегиял органга кўриб чиқиш учун киритилади. Коллегиял орган “стартап” лойиҳа тўғри ва холис экспертизадан ўтказилганлигини текшириш мақсадида кўшимча экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Кўшимча экспертиза ўтказиш тартиби коллегиял орган томонидан тасдиқланади. Агар коллегиял органда мунозарали вазият вужудга келса Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашига кўриб чиқишга киритилиши мумкин. Жамоатчилик кенгаши бир ой муддат ичида “стартап” лойиҳани молиялаштириш ёки молиялаштиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади[14]. Жамоатчилик кенгашининг қарори мажбурий эмас, балки тавсиявий характерга эгадир.

Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда стартап лойиҳаларини амалга ошириш учун қилинаётган ислоҳотларга ўз эътиборимизни қаратадиган бўлсак, стартап экотизимини ривожлантиришда даставвал ёшлар онгида “стартап” маданиятини шакллантириш ва кенг тарғиб этиш ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан “Technoways” технологик марафонлари орқали стартап маданияти тарғиботлари олиб борилганлиги ислоҳотларнинг самарасининг далилидир[15]. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Ёшларни илмий ва инновацион фаолиятга жалб этишнинг самарали механизмларини жорий қилиш ва улар ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Худудларда илмий фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, илм-фанга кенг жалб қилиш, нуфузли илмий мактабларни шакллантириш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш, соддалаштирилган тартибда ёшларнинг илмий ва стартап лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 2021 йилда умумий қиймати 50 млрд. сўм «Академик ҳаракатчанлик» ва “Бўлажак олим” танловлари эълон қилинганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. 2021 йилнинг май ойидан бошлаб илмий фаолиятга оид давлат дастурлари маблағлари доирасида «Бўлажак олим» танлови доирасида илмий ғоя ва стартап лойиҳалар бўйича таклифлар қабул қилиш бўйича эълон берилди. Танлов якунларига кўра стартап лойиҳалар бўйича 150 та ариза қабул қилинди. Техник ва молиявий экспертиза якунлари бўйича 25 та стартап умумий қиймати 8.4 млрд. сўм га молиялаштирилди. Бўлажак олим танлови доирасида эълон қилинган илмий ғоялар танлови бўйича умумий қиймати 3.2 млрд. сўм бўлган 49 та илмий ғоя эгаларини рағбатлантириш бўйича қарор қабул қилинди. Қолаверса, Ёшлар академияси томонидан “Қишлоқ хўжалигида ёшларнинг инновацион лойиҳалари” танлови ташкил этилди, ушбу танлов якунида 10 та лойиҳа умумий қиймати 467 млн. сўм билан рағбатлантирилганлиги[16] стартап лойиҳасининг мамлакатимиз инфратузилмасига аҳамияти, давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлигининг исботидир десак муболаға бўлмайди.

Шу ўринда, стартап лойиҳаларини интеллектуал мулк сиёсатига татбиқ этиш масаласига ўз эътиборимизни қаратишимиз жоиз. Бугунги кунда интеллектуал мулк объектларини устав жамғармаларига киритиб фаолият бошлаши мумкин бўлган бизнеснинг энг кенг тарқалган тури стартап бизнеслардир[17]. Ҳар йили дунё бўйлаб, 100 млн. Стартаплар ўз фаолиятини бошлайди. Бугунги кунда стартап фаолияти тўғри йулга кўйилиши натижасида дунёнинг йирик компанияларининг қиймати кескин

ўсиши кузатилган. Жумладан, Bytedance – 140млрд, Uber - 90 млрд, Airbn - 85 млрд, Didi Chuxing - 62 млрд, SpaceX - 46 млрд АҚШ долларида ошган. АҚШ да кичик тадбиркорлик соҳасида инновацион ғояларни, шу қатори стартап тойиҳаларга кўмаклашувчи Кичик бизнес инновацион тадқиқот ( Small Business Innovation Research ( SBIR ), Кичик бизнес технология трансфери ( Small Business Technology Transfer ( STTR ) ва Федерал ва давлат технологик ҳамкорлиги ( Federal and State Technology Partnership ( FAST ) каби Кичик бизнес администрацияси ( US Small Business Administration ) томонидан бошқариладиган давлат дастурлари мавжуд[18].

Юқорида таъкидлангани каби кўпинча “стартап” термини остида фақатгина таваккалчиликка асосланган бизнес тури тушунилади. Бироқ, стартап кенг тушунча ҳисобланиб, инновацион ва технологик янгиликлардан иборат ишланмаларни жорий этиш ва амалга ошириш учун турли фаолият мақсадларини кўзлайдиган лойиҳа асосида кенгайтириладиган бизнес моделини танлаш учун мўлжалланган тадбиркорлик тузилмаси тушунилади[19].

Стартап лойиҳаларни интеллектуал мулк объектларининг муҳофазасини таъминлашда бир қатор ижобий хусусиятларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

- интеллектуал мулк ҳуқуқи монетизациясини таъминлаш орқали стартапларнинг қиймати ва уларнинг активлар портфелидаги номоддий мулклар қийматини оширади;
- интеллектуал мулк ҳуқуқини таъминлаш стартапларнинг мижозлар ва инвесторлар ўртасидаги ишонч туйғуларини кучайтиради;
- ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш ва ҳуқуқлардан фойдаланиш шартлари билан турли интеллектуал мулк шартномаларини тузиш орқали стартапларни монетизациялаш жараёнларини кўллаб-қувватлайди;
- интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларини гаровга қўйиш орқали банк кредитларидан фойдаланиши имконияти вужудга келади[20].

Таҳлил этилган фикрларни умумлаштирган ҳолда хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз жоизки:

Биринчидан, стартап – бу ривожланиш босқичида бўлган ва ўз бизнесини инновацион ғоялар ёки янги технологиялар асосида кўрадиган янги ташкил этилган компаниядир.

Иккинчидан, муайян корхона устав капиталида интеллектуал мулкдан фойдаланиш пул маблағларини устав фондига йўналтирмасдан ва кредитларни жавоб қилмасдан устав капитални шакллантириш имконини беради. Стартап лойиҳалари мазкур ҳолатда, яъни интеллектуал мулк сиёсатида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Учинчидан, стартап тегишинча Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни кўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилган маблағлар; Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига ажратилган маблағлар; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар (яъни нодавлат ташкилотлар томонидан ҳам) молиялаштирилиши мумкин.

Тўртинчидан, бевосита интеллектуал мулк сиёсатига стартап лойиҳаларини татбиқ этиш ўз ўрнида интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқларининг стартап компанияларига ўтказилишига олиб келади.

Бешинчидан, стартап лойиҳалари тузиш ва тасдиқлаш жараёнидаги энг муҳим ҳолатлардан бири – бу уч босқичли (техник, молиявий-иқтисодий ҳамда илмий-техник кенгаш томонидан экспертизадан ўтказиш, илмий-техник кенгаш мажлисида кўриб чиқиш ва баҳолаш) экспертизасидан ўтиши ҳисобланади.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. A.Yuldashov. "Mualliflik huquqini xalqaro doirada muhofaza qilishning muhim jihatlari va shartnomaviy-huquqiy bazani rivojlantirish" ["Important aspects of copyright protection in the international arena and development of the contractual legal framework"]. Yuridik fanlar axborotnomasi – Vestnik yuridicheskix nauk – Review of law sciences. Special no. 2020, p. 231
2. Abdugopirovich Y. A. Types Of Legal Protection Of A Trademark (Service Mark) In Foreign Countries: The Example Of The Madrid System [Types Of Legal Protection Of A Trademark (Service Mark) In Foreign Countries: The Example Of The Madrid System]. Turkish Journal of Computer and Mathematics Education. Vol. 2021, no. 4. pp. 1068–1073
3. Abdixakimov, I. (2022). Cyber Crimes in Digital Economy. Elita. uz-Elektron Ilmiy Jurnal, 1(1), 1-5.
4. Abdugopirovich, Yuldashov Abdumumin. "Types Of Legal Protection Of A Trademark (Service Mark) In Foreign Countries: The Example Of The Madrid System." Turkish Journal of Computer and Mathematics Education (TURCOMAT) 12.4 (2021): 1068-1073.
5. Юлдашов А. Интеллектуал мулк бўйича миллий стратегияларнинг аҳамияти ва бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг бу борада тутган ўрни [The importance of national strategies for intellectual property and the role of the global intellectual property organization in this respect]. legal information. – 2020, no. 2. pp. 53–59.
6. Anderman S.D. Technology Transfer and the New EU Competition Rules: intellectual property licensing after modernisation. S. D. Anderman, J. Kallaugher. Oxford Univ. Press, 2006.
7. ABDURAXMANOVA, Nodiraxon. "Kriptoaktivlarni huquqiy jihatdan tartibga solish." International Conference on Legal Sciences. Vol. 1. No. 5. 2023
8. Abdurakhmanova, N. "ISSUES OF REGULATION AND IMPLEMENTATION OF SMART CONTRACTS IN NATIONAL LEGISLATION." (2022).
9. Bakhramova, Mokhinur. "The principles of International Arbitration" ["The principles of International Arbitration"]. Online Journal of Sustainability and Leadership Studies 1.6, 2021, pp.124-133. Available at: <http://sciencebox.uz/index.php/jars/article/view/428>
10. Bakhramova, Mokhinur. "Online Dispute Resolution: Digitalized Disputes and Their Legal Basis." Journal of Ethics and Diversity in International Communication 1.8, 2022, pp. 25–29. Available at: <http://openaccessjournals.eu/index.php/jedic/article/view/962>
11. Bahramovna, Bahramova Mohinur. "Raqamli makonda onlayn nizolar tushunchasi va ularning huquqiy maqomi" [The concept of online disputes in the digital space and their

- legal status]. Journal of Sustainability and Leadership Studies Online. 2022, pp. 163–168. Available at: <http://sciencebox.uz/index.php/jars/article/view/1634>
12. Carolyn Deere, author Director, Global Trade Governance Project, Global Economic Governance Programme, University College, Oxford, 2012
  13. Якубова Ирода. "Понимание коллективного управления авторских прав в историческом контексте" ["Understanding Collective Copyright Management in Historical Context]. Law Journal 1.6, 2020, pp. 76–80. Available at: <https://www.yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/144>
  14. Мухаммедов, Темурбек, and Ирода Якубова. "Обеспечение прав на интеллектуальную собственность (товарные знаки и географические указания) в рамках соглашения ТРИПС" ["Ensurance of intellectual property rights (trademarks and geographical indications) under the TRIPS agreement"] Society and Innovation 2.5/S, 2021, pp. 532–540. Available at: <https://www.yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/188>
  15. Morgunova E. A. Collective management of property copyrights as a civil law institution. Diss. 2005.
  16. Насриев. И.И. Шахсий номулкий ҳуқуқлар мазмуни, уларни амалга ошириш ва кенгайтириш истиқболларининг фуқаролик ҳуқуқий масалалари: юридик фанлар доктори диссертацияси автореферати. [The content of personal property rights, civil legal issues of their implementation and expansion: the author's abstract of the dissertation of the doctor of legal sciences]. 2006.
  17. Окюлов О. Правовой статус интеллектуальной собственности: Дисс... докт. юрид. наук. [Legal status of intellectual property: Diss... doc. law science]. Tashkent, 2000.
  18. Ruzakova O. A., Green E. S. Application of Blockchain technology to systematization of results of intellectual activity. Vestnik of Perm University. Legal sciences. 2017, p. 508.
  19. Сальникова А. В. Технология блокчейн как инструмент защиты авторских прав [Blockchain technology as a tool for copyright protection]. Актуальные проблемы российского права – Actual problems of Russian law. DOI: 10.17803/1994-1471.2020.113.4.083-090
  20. Туракулова, Назира. "Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар: ўзбекистон республикаси муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш жамияти мисолида." Укрепление правовой базы кооперативов как факторсоциально-экономического развития 1.1 (2022): 119-124.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 7 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).